# ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН ШАРТНОМА №46-22

*28. 11 .2022 йил* *Наманган шаҳри*

Кейинги ўринларда **«Буюртмачи»** деб юритиладиган "Исхоқхон Ибрат" номидаги Наманган давлат чет тиллари институти номидан Низом асосида иш юритувчи ректор в.в.б **П.Лутфуллаев** бир томондан ва кейинги ўринларда **«Бажарувчи»** деб юритиладиган «Namangan Sanoat Loyiha» хусусий корхонаси номидан Низом асосида иш юритувчи директор З.Азимов иккинчи томондан, мазкур **"Исхоқхон Ибрат" номидаги Наманган давлат чет тиллари институтининг ўқув биносини жорий таъмирлаш ва иситиш тизимини янгилаш ишчи лойиҳасини ишлаб чиқиш** шартномасини тузиб имзоладилар.

## I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. **Бажарувчи** мазкур шартнома шартларига кўра лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш мажбуриятини олади. **Буюртмачи** эса **Бажарувчига** лойиха-смета хужжатларини бажариш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, уларни қабул қилиш ва инвестор томонидан ажратилган маблағлар хисобидан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

**2.1.** Мазкур шартнома бўйича, ишчи лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш учун Бажарувчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати жорий нархларда **ККС билан 34 500 000 (Ўттиз тўрт миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади**

2.2 Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиш мумкин эмас, қуйидаги холлар бундан мустасно:

- ✓ ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ✓ ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

2.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар **Буюртмачи**, **Бажарувчи** ўртасидаги шартномага қўшимча келишув битими билан расмийлаштирилади.

## III. БАЖАРУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Мазкур шартнома бўйича **Бажарувчи** мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- ✓ барча ишларини мазкур **шартномада ҳамда унинг 1 иловасига** мувофиқ лойиҳа ишларни бажариш учун смета назарда тутилган ва муддатларда ўз кучи билан бажариш ҳамда ишни **Буюртмачига** мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
- ✓ ишларни бажариш давомида **Буюртмачи** томонидан талаб қилиб бориладиган маълумотлар ва шошилинч (оператив) сўровларни ўз вақтида ҳамда белгиланган муддатларда тақдим этиш;
- ✓ бажарувчи томонидан объект бўйича тайёрланган (ишлаб чиқарилган) лойиха смета хужжатларидаги қабул қилинган лойиха ечимлари ва хисоб китоб ишлари бўйича кейинчалик аниқланган камчиликлар қолдириб кетилган иш хажмларидаги йўл қўйилган хатоликлар натижасида етказилган зарарларни бажарувчи томонидан тўла қоплайди;
- ✓ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2. **Бажарувчи** мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда тайёр муҳандислик ҳисобларини ўз вақтида топшириш учун **Буюртмачи** олдида тўлиқ ҳамда мулкий жавоб беради.

## IV. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун **Буюртмачи**:

- ✓ ишлар бажарилиши шартномада қайд этилган **Бажарувчи** томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, **Бажарувчидан** тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- ✓ **Бажарувчининг** барча мурожаатларини **10 (ўн) кун** муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
- ✓ **Бажарувчига** инвестор томонидан ажратилган маблағлари хисобидан аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш**;**
- ✓ Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## V. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

5.1. Буюртмачи Бажарувчига шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий қийматининг 30 % фоизини олдиндан тулаб беради колган 70% ни бажарилган ишлар **далолатномаси имзолангандан сўнг тулов амалга оширилади.**

## VI. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатларни юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

6.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда **Бажарувчи** ва **Буюртмачи** ишларни давом эттириш ёки уларни вақтинча тўхтатиб туриш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармасдан ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

- ✓ иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;
- ✓ Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, инвестор томонидан ажратилган маблағни ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,5 фоиз**и миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг **50 фоиз**идан ошмаслиги лозим.
- ✓ Бажарувчи лойиха-смета хужжатларини ўз вақтида бажармаганлиги бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,5 фоиз**и миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг **50 фоиз**идан ошмаслиги лозим.
- ✓ Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Бажарувчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **0,5 фоиз**и миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **50 фоиз**идан ошмаслиги керак.
- ✓ Пеня тўлаш Бажарувчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

## VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1 Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Наманган туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## IX. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

9.1 Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

9.2 Бажарувчи лойиха-смета хужжатларига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

9.3 Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

9.4 Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

9.5 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

9.6 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сонли Фармони талабларидан келиб чиқиб,

- тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугагандан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий харакатларни содир қилмасликни;
- тарафлар шартномадаги корупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган корупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича хамкорликни таъминлашни;
- хар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда норасмий пул ёки моддий қийматликлар олинишда йўл қўйилмаслик ва таклиф этмасликни кафолатлайди.

9.7 Мазкур шартнома 2 нусхада тузилади ва ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтгандан сўнг кучга киради.

## X.ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

**БУЮРТМАЧИ:**

**"Исхоқхон Ибрат" номидаги Наманган давлат чет тиллари институти**
Манзил: Наманган вилояти, Тураќургон тумани,
Янгиобод МФЙ, Саодат кучаси, 28-уй
ХККМ. МБ Тош шахар бош бошкармаси
МФО: 00014   ИНН: 309660794
Лс: 401722860142247094100079001
Оконх: 85420
Каз х/р 23402000300100001010
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
Ғазначилиги
МФО:00014  ИНН:201122919

**Ректор в.в.б.: __________ П.Лутфуллаев**

**БАЖАРУВЧИ:**

**«Namangan Sanoat Loyiha» хусусий корхонаси**
Манзил: Наманган шаҳри,
Н. Намонгоний кўчаси 18-уй.
Тел/факс: 91-184-48-84/227-86-90
Ўз. Р. ТИФ "Миллий банк"
Наманган бўлими
Х/р: 2020 8000 0042 9619 8001
МФО: 00222,  ИНН: 204 715 779
ОКЭД: 41100

**Директор: __________ З. Азимов**

**Юрист: __________Ш. Жунаев**

**Хуқуқий экспертиза-хулосаси**

Ушбу пудрат шартнома лойихасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун хужжатлари асосида хукукий экспертиза қилиб, шартнома лойихаси қонунчилик хужжатларига мос келишлигини аниқладим.

Шу сабабли, ушбу шартномани имзоласа бўлади деб хисоблайман.

**Юрист** ___________ ___________________ «28» ______ **2022 йил**

# Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 192616 на приобретение "Исхоқхон Ибрат" номидаги Наманган давлат чет тиллари институтининг ўқув биносини жорий таъмирлаш ва иситиш тизимини янгилаш ишчи лойиҳасини ишлаб чиқиш

Способ проведения электронный

Дата 24.11.2022

Время рассмотрения 24.11.2022 09:52

Закупочная комиссия Исхокхон Ибрат номидаги Наманган Давлат чет тиллари институти ID 920600108, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | NISHONOV XAYRULLA XOLMIRZAYEVICH | Ishlar boshqarmasi boshlig'i | Namangan davlat chet tillari instituti |
| **Секретарь комиссии** | SALOXIDDINOV SHAVKAT JAMOLIDDINOVICH | Режа молия бўлим бошлиғи | "Исхоқхон Ибрат" номидаги Наманган давлат чет тиллари институти |
| **Член комиссии** | SOBIROV BOQIJON ABDULLAYEVNA | Injiner | Namangan davlat chet tillari instituti |
| **Член комиссии** | YAKUBBAYEV MURODILLA MARUFOVICH | Декан | "Исхоқхон Ибрат" номидаги Наманган давлат чет тиллари институти |
| **Член комиссии** | SOBIRJONOV ELMUROD OBIDJON O‘G‘LI | Ёрдамчи хисобчи | "Исхоқхон Ибрат" номидаги Наманган давлат чет тиллари институти |
| **Член комиссии** | KARIMOV FATXIDDIN SOBIROVICH | Yurist | Nam DCHTI |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 24.11.2022 года № лота 192616.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 75

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по разработке проектно-сметных работ** |
|---|---|
| Подробное описание | Услуга по разработке проектно-сметных работ |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 35 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 35 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчисининг ташкилий структураси

Тип: Текстовое значение

Описание: 1-Шакл

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **НАМАНГАН САНОАТ ЛОЙИХА КТХФ** | 5 | Танлов иштирокчисининг ташкилий структураси | 5 | Экспертная | | |
| **KELAJAK-S ХК** | 5 | Танлов иштирокчисининг ташкилий структураси | 3 | Экспертная | | |
| **ООО ALFA YUKSALISH PROEKT** | 5 | 25000000 | 2 | Экспертная | | |

Критерий №2 Танлов иштирокчиси тўғрисидаги умумий маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: 2-Шакл

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **НАМАНГАН САНОАТ ЛОЙИХА КТХФ** | 20 | Танлов иштирокчиси тўғрисидаги умумий маълумот | 15 | Экспертная | | |
| **KELAJAK-S ХК** | 20 | Танлов иштирокчиси тўғрисидаги умумий маълумот | 15 | Экспертная | | |
| **ООО ALFA YUKSALISH PROEKT** | 20 | 25000000 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №3 Танлов савдоси иштирокчисининг молиявий холати

Тип: Текстовое значение

Описание: 3-Шакл

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **НАМАНГАН САНОАТ ЛОЙИХА КТХФ** | 20 | Танлов савдоси иштирокчисининг молиявий холати | 20 | Экспертная | | |
| **KELAJAK-S ХК** | 20 | Танлов савдоси иштирокчисининг молиявий холати | 15 | Экспертная | | |
| **ООО ALFA** | 20 | 25000000 | 5 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **YUKSALISH PROEKT** | | | | | | |

Критерий №4 Танлов иштирокчисининг охирги йилда бажарган иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: 4-Шакл

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **НАМАНГАН САНОАТ ЛОЙИХА КТХФ** | 20 | Танлов иштирокчисининг охирги 3 йилда бажарган иш тажрибаси | 20 | Экспертная | | |
| **KELAJAK-S ХК** | 20 | Танлов иштирокчисининг охирги йилда бажарган иш тажрибаси | 20 | Экспертная | | |
| **ООО ALFA YUKSALISH PROEKT** | 20 | 25000000 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №5 Танлов иштирокчисининг лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш жараёнида фойдаланадиган оргтехника ва механизмлари рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: 6-Шакл

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **НАМАНГАН САНОАТ ЛОЙИХА КТХФ** | 20 | Танлов иштирокчисининг лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш жараёнида фойдаланадиган оргтехника ва механизмлари рўйхати | 20 | Экспертная | | |
| **KELAJAK-S ХК** | 20 | Танлов иштирокчисининг лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш жараёнида фойдаланадиган оргтехника ва механизмлари рўйхати | 20 | Экспертная | | |
| **ООО ALFA YUKSALISH PROEKT** | 20 | 25000000 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №6 Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида ёрдамчи лойиха ташкилотни жалб қилиш тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: 7-Шакл

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **НАМАНГАН САНОАТ ЛОЙИХА КТХФ** | 10 | Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида ёрдамчи лойиха ташкилотни жалб қилиш тўғрисида маълумот | 10 | Экспертная | | |
| **KELAJAK-S ХК** | 10 | Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида ёрдамчи лойиха ташкилотни жалб қилиш тўғрисида маълумот | 10 | Экспертная | | |
| **ООО ALFA YUKSALISH PROEKT** | 10 | жалб этилмайди | 5 | Экспертная | | |

Критерий №7 Лойихалаш (қурилиш) майдончасини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: 5-Шакл

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **НАМАНГАН САНОАТ ЛОЙИХА КТХФ** | 5 | Лойихалаш (қурилиш) майдончасини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома | 3 | Экспертная | | |
| **KELAJAK-S ХК** | 5 | ЛойихалашЛойихалаш (қурилиш) майдончасини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома(қурилиш) майдончасини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома | 3 | Экспертная | | |
| **ООО ALFA YUKSALISH PROEKT** | 5 | 25000000 | 2 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом | Применение преференции | Общее значение | Дата предложения | Оценка стоимости |
|---|---|---|---|---|---|---|---|

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | конвертации (UZS) | | (UZS) | | (балл) |
| **KELAJAK-S XK** | 35 000 000.00 | 34 900 000.00 UZS | 34 900 000.00 | 00.00 | 34 900 000.00 | 22.11.2022 14:42:50 | 29.65616 |
| **НАМАНГАН САНОАТ ЛОЙИХА КТХФ** | 35 000 000.00 | 34 500 000.00 UZS | 34 500 000.00 | 00.00 | 34 500 000.00 | 19.11.2022 15:23:57 | 30 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **KELAJAK-S XK** | 60.2 | 29.65616 | 89.85616 |
| **ООО ALFA YUKSALISH PROEKT** | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| **НАМАНГАН САНОАТ ЛОЙИХА КТХФ** | 65.1 | 30 | 95.1 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 192616 от 24.11.2022 года на приобретение "Исхоқхон Ибрат" номидаги Наманган давлат чет тиллари институтининг ўқув биносини жорий таъмирлаш ва иситиш тизимини янгилаш ишчи лойиҳасини ишлаб чиқиш определила победителем:

НАМАНГАН САНОАТ ЛОЙИХА КТХФ
204715779

и резервный исполнитель: KELAJAK-S XK (202430660)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | NISHONOV XAYRULLA XOLMIRZAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | SOBIROV BOQIJON ABDULLAYEVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | YAKUBBAYEV MURODILLA MARUFOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | SOBIRJONOV ELMUROD OBIDJON O‘G‘LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | KARIMOV FATXIDDIN SOBIROVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

## М У Х О К А М А   А Х Б О Р О Т И

“28” ноябр 2022 йил                                        Тўрақўрғон туман

Исҳокхон Ибрат номидаги Наманган давлат чет тиллари институти томонидан 2022 йил “17” ноябрдаги № 22110012192616-сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Исҳокхон Ибрат номидаги Наманган давлат чет тиллари институтида ўқув биносини жорий таъмирлаш ва иситиш тизимини янгилаш ишчи лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2022 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Танловда KELAJAK-S ХК, ООО ALFA YUKSALISH PROEKT, НАМАНГАН САНОАТ ЛОЙИХА КТХФ номли пудратчи ташкилотлардан таклифлар келиб тушди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича НАМАНГАН САНОАТ ЛОЙИХА КТХФ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Захира ғолиби эса KELAJAK-S ХК топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги холатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин хисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

**Ректор в.в.б** ---------- **П.Лутфуллаев**

**Бош хисобчи** ---------- **И.Мамадалиев**

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"NAMANGAN SANOAT LOYIHA" Xususiy korxona

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"NAMANGAN SANOAT LOYIHA" XK

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

10.11.2003 00036 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 204715779

Tashkiliy-huquqiy shakli: Xususiy korxona

Joylashgan joyi: Namangan viloyati, Namangan shahri, N.NOMONGONIY, 18,

Guvohnoma: Namangan viloyati, Namangan shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN SHAHAR XUSUSIY KORXONASI NAMANGAN SANOAT LOYIHA



Сканировано с CamScanner